



**28 SENTABR
2023**



**MAKTABGACHA
VA MAKTAB
TA'LIMI VAZIRLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT
DAVLAT
PEDAGOGIKA
UNIVERSITETI**

**BADIIY TA'LIMNING DOLZARB MUAMMOLARI
INTEGRATSIYA VA ISTIQBOL TENDENSIYALARI
MAVZUSIDAGI ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**



TOSHKENT – 2023

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGI**

**NIZOMIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI**

TASVIRIY SAN’AT kafedrası

**BADIIY TA’LIMNING DOLZARB MUAMMOLARI, INTEGRATSIYA
VA ISTIQBOL TENDENSIYALARI
Respublika ilmiy-amaliy anjumani**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ,
ИНТЕГРАЦИЯ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
Республиканская научно-практическая конференция**

**CURRENT PROBLEMS OF ART EDUCATION, INTEGRATION AND
PROMISING TRENDS
Republican scientific and practical conference**

28-sentyabr 2023-yil

Toshkent – 2023

		boshqarishda ta'limni optimallashtirish, modernizatsiyalash hamda raqamlashtirish	
80	M.Умарова	Амир Шохмурод даврида барпо этилган иморатларнинг асосий хусусиятлари	366
81	M.B.Axmedov Sh.B.Qazaqova	Sharq xalqlarining yosh avlodga amaliy san'atni o'rgatishning tarixiy rivojlanishi	369
82	M.B.Axmedov D.J.Saydullayeva	Yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda o'zbek xalq amaliy bezak san'atining ahamiyati	375
83	S.B.Maxkamova	Tasviriy san'at fanini o'qitishda texnologik yondashuvni tatbiq etishning nazariy asoslari	380
84	X.Э. Султанов	Кластер ёндашувига асосланган устоз кўмаги ва маслаҳатининг талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги аҳамияти	386
85	M.B.Axmedov F.M.Xolmatova	Tasviriy san'at mashg'ulotlarida o'quvchilarning ijodiy faoliyatini rivojlantirish	391
86	N.N.Abdusalomxo'jayev	Tasviriy san'at bo'yicha kichik sinflarda o'quvchilar bilan sinfdan tashqari mashg'ulotlarni tashkil etishning zamonaviy shakllari	397
87	Sh.A.Yusupova D.J.Tursunboyeva	Tasviriy san'at o'quv mashg'ulotlarida zamonaviy texnologiyaning o'rni	399
88	Ф.М. Тожиева	Масофавий таълим ўқув адабиётларини яратишда қўлланиладиган дастурлаштириш ва модул усуллари тўғрисида	403
89	I.J.Mengnorov	Rangtasvir mashg'ulotlarida natyurmort ishlash texnologiyasi	408
90	N.E.Tashimov G.D.Shomurotova	Innovatsion texnologiyalardan foydalanib son belgili proyeksiyalashni o'qitish metodikasi	413
91	Ф.М. Тожиева	Масофавий курс: ўзлаштириш даражалари ва курс мақсадларини ифodalash	418
92	N.X. Talipov D. Po'latova	Talabalarga tasviriy san'atning manzara kompozitsiyasini ishlashga o'rgatishning muhim omillari	424
93	N.X.Gulomova	Chizmachilik darslarida interfaol metodlar qo'llab talabalarining faolligini oshirish usullari	431
94	N.X.Gulomova	Bo'lajak chizmachilik fani o'qituvchilarning kasbiy sifatlarini rivojlantirishda konseptual yondashuvlar	435
95	S.T.Safarova	Rangtasvir mashg'ulotlarida kompozitsiyaning o'rni va amaliy ahamiyati	437
96	X.T.To'lqinova	O'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirishda sinfdan tashqari mashg'ulotlarning o'rni	439
97	Ш.Д.Дилшодбеков	Взаимосвязь инженерной графики и технического дизайна	442
98	X.T.To'lqinova	O'quvchilarni bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish orqali kasb-hunarga yo'naltirish	444
99	N.X.Talipov D. Egamberdiyeva D.Baqoyeva	Tasviriy san'atda tarixiy janr muammosi: ustoz rassom Malik Nabiyeв ijodiy maktabiga bir nazar	446
100	S.F.Abdirasilov	Tasviriy san'at fanlarni ifodalash vositalari asosida	449

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>

4. O‘zbekiston Respublikasining “Ta’lim to‘g‘risida”gi qonuni. Oliy ta’lim me’yoriy hujjatlar to‘plami. – T.: Sharq, 2001.

5. Azizxo‘jayeva N.N. Pedagogik texnologiya. Pedagogik mahorat. – T.: O‘qituvchi, 2003.

6. Abdiraslov S., Boymetov B., Tolipov. Tasviriy san’at. – T.: Cho‘lpon, 2012.

7. Abdiraslov S., Nurtoev U. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarida tasviriy san’at fanini o‘qitish. – T.: Iqtisod-moliya, 2021.uslubiy qo‘llanma

КЛАСТЕР ЁНДАШУВИГА АСОСЛАНГАН УСТОЗ КЎМАГИ ВА МАСЛАХАТИНИНГ ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Х.Э. Султанов доцент, PhD
ЧДПУ, Ўзбекистан**

Аннотация: Ушбу мақолада таълим кластерига асосланган Устозлик кўмаги ва маслаҳатларининг ёш тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ривожланишидаги аҳамияти кўриб чиқилади. Унда асосан “Устоз-шогирд” тизимида ишлашни қўллаб-қувватловчи муҳит, тажриба алмашиш ҳамда кўшма лойиҳалар ва тадқиқотларга жалб этиш орқали талабаларнинг малакасини ошириш (касбий ривожланиш) ва педагогик фаолиятга мослашувини рағбатлантириш масалалари баён этилади.

Шунингдек, кластер ёндашувига асосланган устозлик кўмаги ва маслаҳатлари таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши ва педагог-рассомларнинг янги авлодини тарбиялаш учун муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Калит сўзлар: Устоз-шогирд, педагог-рассом, тасвирий санъат, касбий фаолият, ижодий фаолият, кластер, миллий анъаналар, инновацион усул, ҳамкорлик.

Аннотация: В данной статье исследуется значение наставнических консультаций и поддержки в контексте образовательных кластеров для профессионального развития молодых учителей изобразительного искусства. Основное внимание уделяется стимулированию студентов к улучшению своей квалификации и адаптации к педагогической деятельности через создание среды, способствующей сотрудничеству в рамках системы "Мастер-Ученик", обмену опытом, участием в совместных проектах и исследованиях. Также отмечается, что наставническая поддержка и консультирование, основанные на принципах кластерного подхода, положительно сказываются на качестве образования и имеют важное значение для формирования нового поколения педагогов-художников.

Ключевые слова: Наставничество, педагог-художник, изобразительное искусство, профессиональная деятельность, творческая деятельность, кластер, национальные традиции, инновационный метод, сотрудничество.

Abstract: This article explores the significance of mentoring consultations and support within the context of educational clusters for the professional development of young art teachers. The primary focus is on motivating students to enhance their qualifications and adapt to pedagogical activities by creating an environment conducive to collaboration within the "Master-Apprentice" system, sharing experiences, participating in joint projects, and research.

Furthermore, it is emphasized that mentorship support and counseling, based on the principles of the cluster approach, positively impact the quality of education and play a crucial role in shaping the next generation of artist-educators.

Key words: Tutorship, teacher-artist, fine arts, professional activity, creative activity, cluster, national traditions, innovative method, cooperation.

Глобаллашув давридаги илмий-техник ривожланиш ва ахборот алмашинувининг юксак суръатлар билан тезлашшиши натижасида таълим жараёни ҳам тобора мукаммаллашиб бораёпти. Таълим хизматларининг халқаро бозорида вужудга келаётган рақобат ҳар қандай мамлакат учун таълим тизимини бугунги даврга мослашни талаб қилади. Тизимга кенг доирада янги педагогик технологиялар, инновацион услубларнинг кириб келиши, педагогика соҳасидаги замонавий технологияларни азалдан синовдан ўтган анъаналаримиз билан тўйинтириб, илғор хорижий тажрибалар билан бойитиш кераклигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, инновацион технологиялар асосида узлуксиз таълим тизимини ўзаро интеграциялашни талаб этади. Турли соҳа мутахассислари томонидан чуқур тадқиқ қилиниб, ривожланган мамлакатларда амалиётга жорий этиб келинаётган кластер ёндашуви бугунги кунда таълим соҳаси учун ҳам самарадор эканлиги эътироф этилмоқда.

Таълим кластерлари талабаларнинг билим олиши ва ривожланиши учун қулай муҳит яратишга қаратилган бир нечта таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг инновацион шаклидир. Тасвирий санъат йўналишида ҳам таълим кластерлари ёш педагог-рассомлар тажрибали ҳамкасбларидан қимматли кўмак ва маслаҳатлар оладиган масканга айланиб бормоқда. Ушбу мақолада таълим кластерига асосланган Устозлик кўмаги ва маслаҳатларининг ёш тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ривожланишидаги аҳамияти кўриб чиқилади.

Устоз-шогирд анъаналари азалдан таълим-тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб келган. Ушбу тизим барча иштирокчилар: ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, ҳудудий корхоналар ходимлари, ёш мутахассислар ва педагогика муаммолари билан қизиқувчиларнинг барчасини ўз имкониятларини тўла намоён этиши учун самарали муҳит яратади. Мутахассисларнинг касбий малакасини шакллантириш учун ўз вақтида ёрдам бериш зарурати таълим-тарбия жараёнида устоз-шогирдлик анъаналаридан ўринли фойдаланишга бўлган эҳтиёжни келтириб

чиқармоқда. Унинг асосида ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб етказиш масалалари ўз ифодасини топади.

Таълимнинг ушбу шаклидан бутун дунёда инсонлар қадим замонлардан буён самарали фойдаланиб келишган ва ушбу фаолият ёшларга таълим-тарбия беришнинг кекса авлод томонидан амалга ошириладиган шакли сифатида қабул қилинади. Психологик нуқтаи назардан рус педагоглариининг фикрича, Устоз-шогирд тизими касбий тажриба ва ахлоқий меъёрларни ёшларга етказиш учун икки авлод ўртасидаги ишончли узвий муносабатдир¹⁰³. Маълумки, Шарқда ҳам азал-азалдан касб-ҳунар улуғланган, устоз-шогирд одоби ва устознинг шогирдга бўлган меҳр-оқибати жуда юқори қўйилган. Буюк алломаларимиз доимо касбга эга бўлишни, илм олишни, саводли бўлиб кабиларни даъват этиб келганлар¹⁰⁴. Халқимизда устоз ва шогирдлик одоби, қадрияти, мулоқот шартлари ана шундай ёзилмаган қонунлар шаклида миллион йиллардан буён яшаб, камолга етиб, ривожланиб келаётир. Бирон бир касб эгаси йўқки, у устоз кўриб камолга етмаган бўлсин.

Айнан шу йўл билан ёш авлод амалий билимлар, одоб-ахлоқ, касбий малака, жамиятда ўзини тута билиш, меҳнат қуроллари билан ишлаш кўникмаларини эгаллайди.

Дарҳақиқат, замонавий тасвирий санъат таълимида ҳам устозлик (менторлик) - кекса авлод ёки маълум кўникмага эга бўлган касб эгаси томонидан билим ва кўникмаларни ёшларга еказиб беришнинг энг қулай ва самарали усули ҳисобланади.

Устоз-шогирд аъёналарига асосланган таълим кластери ёш тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий таълим ва ижодий фаолиятга йўналтириш учун ноёб имкониятни тақдим этади. Бундай ёндашув талабаларга Устози ҳамда ўз тенгдошлари томонидан қўллаб-қувватланиши ва бир-бирини яхши тушунишига ёрдам бериши мумкин. Ушбу муҳитда мураббийлик кўмаги ва маслаҳат бериши, тажрибали Устозлар ва янги ёш ўқитувчилар ўртасида ишончни мустаҳкамлайди ҳамда педагог-рассомларнинг касбий-ижодий ўсиши, ривожланишига хизмат қилади. Тажрибали мутахассислар ёрдамида ёшлар маълум ҳаётий қадриятларни эгаллашади, жамиятда ўзаро ижобий муносабат кўникмалари шакллантирилади, кейинги ҳаётий фаолиятларида билимларини муваффақиятли амалда қўллашни ўрганишади.

Қадимий аъёналар инновацион усуллар билан тўйинтирилган муҳитда кластер ёндашувини татбиқ этиш ёш тасвирий санъат ўқитувчиларига тажрибали ҳамкасбларнинг тажрибаси ва билимларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Бу жараёнда менторлар ўзларининг касбий маҳоратлари, ўқитиш ва ижодий ишлаш услубларини талабаларга бевосита етказишлари мумкин. Бу эса ёш ўқитувчилардаги билим ва касбий

¹⁰³ <https://didacts.ru/termin/nastavnichestvo.html#>:

¹⁰⁴ Маликова Д.Қ. Шарқ мамлакатларида “устоз-шогирд”лик аъёналарининг шаклланиши ва ривожланиши // "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842 April 2022 / Volume 3 Issue 4/ 1753 б.

малакаларини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, тажриба алмашиш ижодий фикрлашни ва ўқитишда янги ғояларни излашни рағбатлантиради.

Кластер ёндашувига асосланган таълим жараёнида мураббий-Устоз ёш тасвирий санъат ўқитувчиларига ҳар томонлама индивидуал кўмак беради. Тажрибали мураббийлар ёш ўқитувчиларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва заиф томонларини аниқлашга, ривожланиш режасини ишлаб чиқишга ва юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни енгишда ёрдам беради. Бу ёш ўқитувчиларнинг ўзига бўлган ишончини оширишга хизмат қилади ва уларни касбий-ижодий томондан янада ривожлантиришга туртки бўлади.

Ўз фаолиятини эндиgina бошлаётган ёш тасвирий санъат ўқитувчилари таълимни ташкил этиш, ўқитиш ва ўқув жараёни талабларига мослашишда қийналиши мумкин. Таълим кластери доирасида кўмак ва маслаҳатлар ушбу мослашиш даврини юмшатишга ёрдам беради ва ёш ўқитувчиларнинг касбий мослашувини осонлаштиради.

Таълим кластерлари ёш тасвирий санъат ўқитувчиларининг тажрибали мураббийлар билан қўшма лойиҳалар ва тадқиқотларни амалга ошириш учун имконият яратади. Бундай лойиҳалар доирасидаги ҳамкорлик барча иштирокчилар учун ижодкорликни рағбатлантиради ва таълим жараёни мазмунини бойитади. Айниқса, тасвирий санъат йўналишидаги замонавий кластер ёндашувида ёш ўқитувчи-рассомларнинг шаклланиши ва камол топишида устознинг кўмаги ва маслаҳатлари ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Бундай ёндашув нафақат ёш ўқитувчиларнинг шахсий ўсиши, балки ушбу йўналишдаги таълим сифатини оширишга ҳам ҳисса қўшадиган зарурий қўллаб-қувватловчи муҳитни яратади. Талабаларнинг касбий маҳоратини оширади, мустақил индивидуал ҳаракат қилиш фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва жамоадаги ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиради.

Тасвирий санъатни ўргатиш жараёни нафақат педагогик маҳорат, техник кўникмаларни, балки ижодий тамойилларни тушунишни, бадиий асарларни таҳлил қилиш ва шарҳлай билишни ҳам талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, тажрибали ўқитувчиларнинг тажрибаси ёш педагог-рассомлар учун жуда қимматли бўлиб, уларга нафақат педагогик маҳоратни шакллантириш, техник жиҳатларни ўзлаштириш, балки ўз ижодий ишлаш услубларини ривожлантириш имконини беради. Менторлар шогирдларининг индивидуал эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаб, ўз қобилиятларига нисбатан ишончни ривожлантириш ва ижодий фаолиятда ўзларининг ноёб услубини топишларига ёрдам беради.

Мураббийликда натижага эришишнинг муҳим таркибий қисми бу таълимга индивидуал ёндашув ҳисобланади. Ёш педагоглар касбий мустақил ижодий фаолиятини бошлашнинг илк даврида турли англашилмочилик ва қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Индивидуал маслаҳатлашувлар ва тавсиялар уларга қийинчиликларни, ижодий тўсиқларни енгиш ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир устоз талабалар билан ўз тажрибалари ҳақида бевосита ўртоқлаша оладилар, ўқув жараёнини ташкил этиш, келгусидаги педагогик фаолиятида ўқувчилар билан

ўзаро муносабатни йўлга қўйиш ва инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериши мумкин.

Бу ерда мураббийларнинг талабалардаги педагогик ва ижодий фаолиятга мослашувни рағбатлантириш ролини ҳам ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Университет таълим муҳитидаги ўқишдан умумтаълим мактабларидаги амалий фаолиятга ўтиш ёш педагоглар учун қийинчилик туғдириши мумкин. Менторлар тасвирий санъат дарсларини ташкил этиш, синфни самарали бошқариш, ҳамкасблар билан мулоқот қилиш ва ўқувчиларни фаоллаштиришга ёрдам берувчи ўқув муҳитини яратиш бўйича ўз тажриба ва билимларини алмашиш орқали талабаларга мактабда шакллланган ўқитувчилар жамоасига қўшилишга ёрдам беради.

Бошқа ОТМлар, Бадиий академия, умумтаълим, мусиқа ва санъат мактаблари билан ҳамкорлик ҳамда қўшма лойиҳалар ҳам менторлик ва маслаҳат бериш жараёнида муҳим ўрин тутди. Улар бошқалар билан билим ва тажриба алмашишни рағбатлантиради, ёш ўқитувчиларга касбий фаолиятни амалда ўрганиш имконини беради ва таълимга ҳамкорликда ёндашувни ривожлантиради. Ҳамкорликдаги иш замонавий таълим талабларига мослаштирилган инновацион усулларни яратишга ёрдам беради.

Хулоса

Демак, кластер ёндашувига асосланган таълим жараёнида ёш рассом-педагогларни камол топтириш, тасвирий санъат бўйича таълим сифатини оширишда устозлик кўмаги ва маслаҳатлари жуда муҳим ўрин тутди. Қўллаб-қувватловчи муҳит, касбий ривожланиш, индивидуал маслаҳатлар, педагогик ҳамда ижодий фаолиятга мослашишга кўмаклашиш, ҳамкорликдаги лойиҳалар ёш ўқитувчиларнинг ўсиши ва ривожланишига, шунингдек, тасвирий санъат бўйича таълим сифатини оширишга ёрдам беради.

Бундай ёндашув ёш мутахассисга қимматли ёрдам беради, касбий ўсиши ва ижодий ривожланишни рағбатлантиради, бу эса пировардида таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади ва педагог-рассомларнинг янги авлодини ажойиб ютуқларга илҳомлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бердиев Д. А. Кластер ҳамкорлигида ташкил этилган тасвирий санъат тўғрақларнинг таълим-тарбия соҳасидаги аҳамияти // Innovative developments and research in education. – 2023. – Т. 2. – №. 15. – С. 13-18.

2. Султанов Х.Э. Zamonaviy ta'limda tasviriy san'atni o'qitish muammolari // Innovative developments and research in education – 2023.-Т.2. -№15. –ст. 7-12.

3. Имоматова У. М. Композицияда эскиз бажариш орқали бадиий тасаввурни ошириш // International scientific research conference. – 2023. – Т. 1. – №. 12. – С. 13-17.

4. Badalova M. U., Isayeva S. H. Q. Узлуксиз таълим тизимини бошқаришда кластернинг роли (тушунча назарияси) // Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 7. – С. 492-502.

5. Mirsoatova L. USE OF INNOVATIVE METHODS IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS. – 2022. – Т. 3. – №. 01. – С. 45-49.
6. Маликова Д.Қ. Шарқ мамлакатларида “устоз-шогирд”лик анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши // "Science and Education" Scientific Journal / ISSN 2181-0842 April 2022 / Volume 3 Issue 4/ 1753 б.
7. Султанов, Х. Э., Марасулова, И. М., Махмудов, М. Ж., & Бахриев, И. С. (2020). На пути совершенствования изобразительного искусства в непрерывном образовании: из опыта работы. Academic research in educational sciences, (4), 231-237.
8. Eralievich, S. X., & Sultanovna, M. I. M. (2020). Formation of students 'spiritual education through creative circles in secondary schools. TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR), 9(6), 53-58.
9. Eralievich, S. K. (2020). The importance of a cluster in achieving efficiency of educational quality. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(11).
10. Гревцева Г.Я., Циулина М.В., Болодурина Э.А., Банников М.И. ИНТЕГРАТИВНЫЙ ПОДХОД В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ ВУЗА // Современные проблемы науки и образования. – 2017. – № 5. ; URL: <https://science-education.ru/ru/article/view?id=26857> (дата обращения: 15.08.2023).
11. Juraxanovna T. D., Kizi N. M. A. Creativity And Pedagogical Activity Of The Academician Of The Art Academy Of Uzbekistan, Holder Of The Order Of Friendship Of Peoples-Janis Salpinkidi (Dedicated To The 75th Anniversary Of The Artist And Teacher) //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 06. – С. 123-127.
12. Ismatov U. S. Tasviriy san'at darslarida grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (guash bo 'yog 'i misolida) //Academic research in educational sciences. – 2020. – №. 2. – С. 355-360.
13. <https://didacts.ru/termin/nastavnichestvo.html#>:

TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARIDA O'QUVCHILARNING IJODIY FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH

M.B.Axmedov

dotsent

Nizomiy nomidagi TDPU

(O'zbekiston)

muhammadumar.ahmedov@inbox.ru

F.M.Xolmatova

Toshkent shahar Uchtepa tumani

238-maktab M.M.I.B.D.O'

(O'zbekiston)

feruzaakhmedova@700.gmail.com